

БАРЧА ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАЛАРИ, АВВАЛО, ОДАМЛАР ҲАЁТИДА ЎЗ АКСИНИ ТОПАДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Таҳлиллар натижасида конструктив деб топилган 1000 га яқин таклифлар саралаб олиниб, Давлат дастури лойиҳасига киритилди.

Жумладан, аёллар ва болаларга нисбатан ўзравонлик учун жазони қулайтириш, педофилия учун умрбод озодликдан маҳрум этиш жазосини жорий этиш, ипотека ва электромобиль хариди учун кредит механизмларини такомиллаштириш, қайта тикланувчи энергия манбаларининг улушини 30 фоизга етказиш, коррупцияга қарши курашишни янги босқичга олиб чиқиш, жиноят ишлари бўйича судларда халқ вакиллари ҳайъати иштирокини йўлга қўйиш каби ташаббуслар қўллаб-қувватланди.

Шунингдек, маҳалла маблаглари сарфи бўйича очик ҳисобдорликни қулайтириш, маҳаллаларда ички йўллар, пийдалар ва велойўлакларни ташкил

этиш, бизнес-инкубаторлар яратиш, саноат зоналари ҳузурида касбий қайта тайёрлаш марказлари очиш, дархаст кесиш учун жавобгарликни қатъийлаштириш, энергия самарадорлиги бўйича КРІ жорий этиш, утилизация ва қайта ишлаш занжирини йўлга қўйиш каби таклифлар қизиқарли деб топилди.

Бундан ташқари, АҚШ, Германия, Туркия, Франция, Канада, Жанубий Корея, Япония, Швеция, Португалия ва Қозғистонда ватандошлар иштирокида муҳокамалар ташкил этилиб, 60 га яқин қўшимча таклифлар олинди.

Хориждаги ватандошлар нодавлат мактаблар фаолиятини ривожлантириш учун аниқ, барқарор ва шаффоф лицензиялаш ҳамда назорат механизмларини жорий этиш, амалиёт жараёнида ўқувчиларни йўналтирувчи корхона мутахассислари учун рағбатлантириш ва масъулият тизимини татиқ қилиш, бачадон бўйни ва кўкрак бези саратони бўйича хавф гуруҳла-

рини аниқ белгилайдиган ягона рақамли скрининг тизимини жорий этиш, имтиёзли кредитларни ажратишда “натижага боғланган имтиёз” (performance-based subsidy) моделини, экспорт қилувчи корхоналар учун эса “Export-as-a-service” моделини жорий қилиш, яъни логистика, божхона, сертификатлаш, маркетинг ва тўлов масалаларини ягона оператор орқали комплекс хизмат сифатида тақдим этиш, адвокатлар учун электрон навбат олиш жараёни бўйича қўлланма ва видеоўрқномалар тайёрлаш каби таклифларни билдирган.

Дастурлар ижросини молиялаштиришга жами 250,5 триллион сўм ажратилиши ва 50,4 миллиард доллар маблаг жалб қилиниши кўзда тутилган.

Давлат дастури ижроси бўйича Адлия вазирлиги ва Ҳисоб палатаси доимий мониторинг олиб боради, Вазирлар Маҳкамаси ҳар чоракда ижрони муҳокама қилади, ҳар ярим йилда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ҳисобот ҳамда ҳар ой Президентга ахборот киритиб борилади.

Ҳар бир ислохотлар дастури учун бириктирилган масъулла ҳар чоракда ижро ҳолати юзасидан Президентга ахборот бериб боради. Бош вазир ислохотлар дастурларидаги ташаббусларнинг амалга оширилиши ва молиялаштирилишини мувофиқлаштириб, ижрони қатъий назоратга олиш учун масъул бўлади.

Давлатимиз раҳбари тақдимот қилинган лойиҳалар билан батафсил танишди, тегишли фармонни имзолаб, ислохотлар дастурлари ҳамда “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” Давлат дастурини тасдиқлади. Барча ислохот ва чоратadbирлар, аввало, одамлар ҳаётида аниқ натижа бериши — янги иш ўринлари кўпайиши, даромадлар ўсиши ва аҳоли розилигида ўз аксини топиши зарурлиги қайд этилди.

Ў.А.

Муносабат

ИНВЕСТИЦИЯ — ҲАМ ИШОНЧ, ҲАМ МАСЪУЛИЯТ

Бугун глобал иқтисодиётда инвестиция жалб қилишнинг ўзи етарли кўрсаткич эмас. Асосий савол шундай: ушбу сармоа қанчалик қўшилган қиймат яратди, қанча иш ўрни очди ва экспорт ҳажмига қандай таъсир қилди? Демак, рақамлар ортида реал иқтисодий самара турмаса, инвестиция статистик кўрсаткичга айланиб қолиши мумкин.

Президентимиз раислигида тармоқ ва ҳудудларда юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича асосий вазифалар муҳокамасига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида айнан шу масала — инвестицияларнинг самарадорлиги, уларнинг экспортбop ва юқори қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқаришга хизмат қилиши қатъий белгиллаб берилди. Бу йил 50 млрд. доллар хорижий инвестиция жалб қилиш режаси қўйилгани катта ишонч ва улкан масъулият дeмакдир.

Аммо селектор муҳокамаси шунчаки ҳажм эмас, балки сифат устувор бўлиши шартлигини яна бир бор кўрсатди. Сўнгги мисоллар шунинг аниқлигини, айрим ҳудудларда инвестиция лойиҳалари бозор таҳлилисиз таклиф қилинмоқда. Учқўрғонда калава ип заводи куриш режаси таклиф этилгани ҳолда Наманганда аллақачон 24 та шундай корхона ишламоқда ва уларнинг қуввати ички хомашё ҳажмидан ҳам юқори. Ёки Охангаронда базальт плиталари ишлаб чиқариш режаси мавжуд бўлса-да, юр-

тимиздаги 12 та корхонанинг ярами бозор топа олмай тўхтаб қолган.

Бу ҳолат инвестицияни иқтисодий эҳтиёж ва экспорт салоҳияти билан боғламаслик қандай оқибатларга олиб келишини кўрсатади. Ёнг ташвишлики, айрим ҳудудларда 10 доллар инвестиция атиги 1 доллар қўшилган қиймат бeраётгани қайд этилди. Демак, масала сармоа ҳажмида эмас, унинг иқтисодий қайти-мидадир.

Йиғилишда 2026 йилги инвестиция дастурига киритилган ҳар бир лойиҳанинг бозори, экспорт йўналиши, қўшилган қиймати ва иш ўрни яратиш салоҳияти чуқур таҳлил қилиниши шартлиқ белгиллаб берилди. Бу ёндашув инвестиция сиёсатини тубдан ўзгартиради. Энди “лоийҳани ишга тушириш” эмас, балки “лоийҳанинг барқарор ишлаши ва натижа бериши” асосий мезонга айланоқда.

Шу мақсадда “Ягона миллий лойиҳа бошқаруви” платформи жорий этиш ташаббуси илгари сурилди. Ҳар бир лойиҳа ишга тушгандан кейин уч йил давомида мони-



торинг қилиниши масъулиятини қучайтиради ва сунъий равишда кўрсаткич орттириш амалиётига чек қўяди. Бу парламент назорати нуктаи назаридан ҳам муҳим қадамдир. Чунки давлат иштирокидаги ёки имтиёзли ресурслар жалб этилган ҳар бир лойиҳа халқ маблағининг самарали ишлатилиши билан чамбарчас боғлиқ.

Халқ вакили сифатида инвестиция лойиҳаларининг очилиғи, улар бўйича маълумотларнинг шаффофлиги ва натижадорлик мезонларини қонун даражасида мустаҳкамлашни жуда муҳим деб ҳисоблаймиз. 377 та стратегик лойиҳанинг 165 млрд. долларлик қиймати алоҳида назоратга олинаётгани эса мамлакат иқтисодиёти келгуси йилларда айнан инвестиция сиёсати орқали янги сифат босқичига чиқишини аниқлатади. Бу лойиҳалар юқори қўшилган қиймат, экспортбop маҳсулот ва юқори даромадли иш ўринларини таъминлаши лoзим.

Наргиза САЛОМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Танлов

ТЕНГ ИМКОНиятлар ва АДОЛат таМОЙили

Мамлакатимизда жамият ҳаётида фаол иштирок этаётган, ҳар жиҳатдан ибратли хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, гендер тенгликни таъминлаш борасида олиб бoрилаётган ислохотларни кенг тарғиб қилиш ва жамoатчиликка етказиш мақсадида “Гендер тенглик фаоли” миллий танлови ўтказиб келинмоқда.

Ҳар йил якуни бўйича гендер тенгликни таъминлаш борасида юқори натижаларга эришган, бу борада жамият ривожини ташаббус кўрсатаётган, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ўз соҳасига тегишли йўналишларда долзарб вазифаларни амалга ошираётган вазирликлар, идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари ушбу танловда қатнашади ҳамда хизматлари эътироф этилиб, тақдирланади.

Олий Мажлис Сенатида “Гендер тенглик фаоли” миллий танловининг республика бўлиб қилиниши тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Таъдбирни кириш сўзи билан очган Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева танловнинг асосий мақсади ташкилотларда гендер тенгликни таъминлашга қаратилган самарали сиёсатни йўлга қўйиш, илгор тажрибаларни аниқлаш ва кенг оммалаштириш, шунингдек, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат эканини қайд этди.

Таъкидланганидек, Президентимиз раҳбарлигида кейинги йилларда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш, уларнинг давлат бошқаруви ҳамда жамият ҳаётидаги иштирокини кенгайтириш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу йўналишдаги устувор вазифалар янги тахридаги Конституцияда, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ҳамда 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясида мустаҳкамлаб қўйилган.

Мамлакатимизда хотин-қизлар масалаларининг ҳуқуқий асоси сифатида 110 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, яхлит институционал тизим шакллантирилган. Гендер тенглик сиёсати нафақат ижтимоий адолат таъминли, балки ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тараққиётнинг муҳим омили сифатида қаралмоқда.

Хусусан, парламентлар қўйи палаталарида хотин-қизлар улуши бўйича Ўзбекистон жаҳонда 15-ўринни эгаллайди. Жаҳон банки индексида мамлакатимиз гендер тенглик борасида энг тез ривожланаётган беш давлат қаторида қайд этилган бўлса, Гендер тенглик ва бошқарув индексида 103-ўриндан 52-ўринга кўтарилди.

Ушбу танловнинг 2025 йил якунлари бағишланган сарҳисобига тўхталсак, танлов комиссияси ҳулосаси бўйича 7 та номинацияда ғолиблар аниқланди. Унга қўра, “Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол республика ташкилоти” йўналишида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Марказий банк, “Navoiy konmetallurgiya kombinati” АЖ, “Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол ҳудудий ташкилот” номинациясида Қорақалпоғистон Республикаси Мақбача ва мактаб таълими вазирлиги, Тошкент давлат шарқшунослик университети ғолиб деб топилди.

қабул қилиш жараёнларидаги иштирокини кенгайтиришга ҳисса қўшади. Қизгин муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

Йиғилишда кун тартибидаги масалалар атрофида кўриб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинди.



Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, сўнгги йилларда маҳаллий давлат ҳокимияти вақтсиз чироклигини ошириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларнинг иштирокини кенгайтириш борасида тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, маҳаллий Кенгашлар фаолияти ҳажмининг ортиши, сессияларда кўриб чиқилаётган масалалар қўламининг кенгайиши бошқарув жараёна-

Шунингдек, “Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол туман (шаҳар) ташкилоти” сифатида Сурхондарё вилоятининг Узун тумани Ахборот-кутубхона маркази тан олинган бўлса, “Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол ҳокимлик” номинацияси Фарғона шаҳар ҳокимлиги ва Гулистон тумани ҳокимлигига берилди.

Маъкур танловда “Меҳримиз сизга” аёллар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш маркази ҳамда “MILLENNIUM” ноғиронлиги бор ёшларнинг ижтимоий-ҳуқуқий тиклаш маркази “Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол нодавлат нотижорат ташкилоти” йўналишида, “MIRZO BOSH” оилавий корхонаси ва “Safia” қандолат уйи “Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол тадбиркорлик субъекти” йўналишида совриндорлар сафидан жой олди.

“Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол оммавий ахборот воситаси” деб Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, “Ўзбекистон 24” телерадиоқанали ва “Маҳалла” газетаси эътироф этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитаси вакиллари BMT Тараққиёт дастурининг нуфузли муқофоти — “Гендер тенглик бўйича қуноқ нишонини” (Gender Equality Seal) тантанали равишда топширилди. Аҳамиятлиси, Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб эришди.

Божхоначиларнинг ушбу ютуғи халқаро экспертлар томонидан юқори баҳолаб, мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлаш борасида олиб бoрилаётган тизимли ислохотларнинг ҳаётий самараси сифатида эътироф этилмоқда. Дастур доирасида Божхона қўмитасида ички тартиб-қоидалар ва кадрлар сиёсати такомиллаштирилиб, институционал ислохотлар амалга оширилган. Хусусан, аёл ходимлар сони икки баробар, раҳбарлик лавозимлари учун захирага киритилган аёллар сони 3 барабар кўпайган.

Қайд этилганидек, ғолиб ташкилотларда ходимларнинг ўртача 30 — 50 фоизини аёллар ташкил этади, 60 нафар аёл раҳбарлик лавозимида фаолият юритмоқда. Шунингдек, 10 мингдан зиёд хотин-қиз ходимлар касбий салоҳиятини ошириш курслари бағишлаб қўйилди, 13 мингдан ортиқ аёлларни қўллаб-қувватлаш учун 2,1 трлн. сўм маблаг ажратилган.

Ғолиб ташкилотлар томонидан хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ўнга яқин лойиҳалар амалга оширилгани қайд этилди. Айниқса, бу йўналишда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиғи алоҳида эътироф этилди.

Келгусида танлов доирасида маҳаллалар иштирокини янада кенгайтириш ва “Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол маҳалла” номинациясини жорий этиш режалаштирилмоқда.

Ҳамроқул ҚАРШИЕВ
(«Халқ сўзи»).

ДОЛЗАРБ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Йиғилишда рақамли маркировкалаш тизими самарадорлигини оширишга қаратилган қонун лойиҳаси обдан муҳокама қилинди. Унда белгиланаётган нормалар масофавий солиқ текширув жараёнларини тезкорлаштириш, солиқ тўловчи ҳузурига бормасдан назоратни амалга ошириш ҳамда тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ортиқча аралашувларнинг олдини олишга қаратилган.

— Фракциямиз йиғилишида қонун лойиҳасини қизгин муҳокама этиб, партиямиз мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда уни янада такомиллаштириш бўйича қатор таклифлар бердик, — деди фракция аъзоси **Оттабек Мусуронов**. — Маъкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши солиқ назоратининг замонавий механизмларини жорий этишга, рақамли инструментлар орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва иқтисодиётда очиликни таъминлашга хизмат қилади.

Мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан маъқулланди.

“Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси йиғилишида рақамли маркировкалаш тизими самарадорлигини оширишга қаратилган қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Маълумки, сўнгги йилларда аҳолини сифатли истеъмол маҳ-

сулотлари билан таъминлаш ҳамда маҳсулотларни ноқонуний ишлаб чиқариб, муомалага киритилишининг олдини олиш ва солиқ тўловчилар учун солиқ юкларини қучайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, қонунчиликда белгиланган айрим турдаги маҳсулотларни идентификация воситалари орқали мажбурий рақамли маркировкалаш ва улар-



нинг айланмасини кузатиб бoриш тизимини янада қучайтириш зарурати юзага келмоқда.

Кенг қамровли тадбирлар амалга оширилаётган бўлишига қарамай айрим шахслар томонидан аҳолига сифатсиз ва ёки қалбаки маҳсулотларни реализация қилиш ҳолатлари кузатилмоқда. Бундай ҳолатлар нафақат инсофли солиқ тўловчилар ҳуқуқига, балки инсонлар саломатлигига жиддий зарар етказмоқда.

Фракция йиғилишида муҳокама этилган қонун лойиҳаси рақамли маркировкалаш қоидаларини четлаб ўтиш орқали ноқонуний маҳсулот айланмасига қарши курашиш, сифатсиз ёки қалбаки товарларнинг бозорга қилинишини барвақт аниқлаш ва чеклашга қаратилган. Бу эса, таъкидлаб ўтилганидек, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилиш, инсофли солиқ тўловчилар учун соғлом рақобат муҳитини шакллантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлади.

Фракция раҳбари Алишер Қодиров ушбу қонун лойиҳасига муносабат билдириб, Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига кириши учун айнан маркировкалаш тизимини такомиллаштириш жуда муҳим экани, эндиликда

да ушбу қонун лойиҳаси билан бу борадаги бўшлиқ тўлдирилаётгани таъкидлади.

Қизгин муҳокамадан сўнг қонун лойиҳаси қўллаб-қувватланди.

“Адолат” социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида дастлаб давлатимиз раҳбарининг Судьялар олий кенгаши раисининг ахбороти билан танишувида илгари сурилган ташаббуслар ҳақида сўз юритилди.

Депутатлар судьялар мустақиллиги ва дахлсизлигини таъминлаш борасида Судьялар интизомий ҳайъатини тузиш орқали судьяга нисбатан интизомий жазо қўллашнинг ҳолис тартибини яратиш таклифини алоҳида эътироф этди.

Шунингдек, суд ҳокимияти мустақиллиги, судьялар дахлсизлигини таъминлаш, одил судловни амалга оширишга тўсиқ бўлаётган омилларни бартараф қилиш йўналишидаги тизимли чора-тадбирларни изчил давом эттириш юзасидан берилган қатор тавсиялардан келиб чиқиб, фракция олдида турган муҳим вазифалар белгиллаб олинди.

Шундан сўнг депутатлар “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини кўриб чиқди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси билан маҳаллий Кенгашлар сессиялари кун тартиби лойиҳасини шакллантириш, доимий комиссиялар ишини мувофиқлаштириш ва бошқа таъкилий вазифаларга эга Кенгаш Раёсати институтини жорий этиш ҳамда унинг иш фаолияти тартибини белгиллаш кўзда тутиляпти.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасининг долзарблиғи, аҳамиятини қайд этган ҳолда айрим нормалар юзасидан аниқлаштирувчи саволлар берди.

«ҚИЗИЛ» ТОИФАДАГИ МАҲАЛЛАЛАР СЕНИ КАМАЙМОҚДА

Яқинда давлатимиз раҳбари раислигида ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолияти танқидий-таҳлилий руҳда кўриб чиқилиб, жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишида қатор янги вазифалар белгилаб берилди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки бугунги давр шиддати бу борадаги ишларни мутлақо янги босқичга кўтаришни тақозо этмоқда.

Бизнинг интервю

Шу ўринда савол туғилади: жамоат хавфсизлигини ва қонун устуворлигини таъминлаш бўйича прокуратура органлари томонидан қандай ишлар амалга оширилмоқда? Эндликда ҳудудларда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган иш фаолияти қандай йўлга қўйилади?

Муҳбиримиз ана шу ва бошқа долзарб саволларга жавоб олиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси Шохрух АМИНОВнинг фикр-мулоҳазаларини ёзиб олди.

— Йиғилишда ҳуқуқ-тартибот ҳамда назорат органлари фаолиятига танқидий баҳо берилиб, уюшган жиноятчилик, наркожиноятлар, кибержиноятчилик ва “яширин иқтисодиёт”га қарши курашиш бўйича янги тизим, биринчи навбатда, Тошкент шаҳрида бошланиб, хавфсиз муҳит яратиш бўйича “пойтахт намунаси” жорий этилиши маълум қилинди.

Энг муҳими, бундан буён жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда профилактика ишларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилиб, унинг содир этилишига олиб келаётган ижтимоий сабаб ҳамда омилларни бартараф қилиш асосий вазифа сифатида белгиланди. Мазкур ишларни амалга оширишда барча давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ва ма-

ҳалла институтларининг ҳамкорлиги гоятда зарур.

Шундан келиб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органлари мазкур топшириқ ҳамда вазифалар мазмун-моҳиятини англаган ҳолда асосий эътиборни ҳамкорлик ва самарадорликка қаратмоқда. Бунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа мутасадди идора-ташкилотлар билан биргаликда амалий ишлар жалаллик билан бошлаб юборилди. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси томонидан 17 та тумандаги 452 та маҳаллада криминоген вазият таҳлил этилиб, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарлик кўрсаткичи юқори бўлган ҳудудларга масъуллар бириктирилди ва уларнинг аниқ иш режаси ишлаб чиқилди.

Шу билан бирга, Республика идоралараро мувофиқлаштириш штаби томонидан видеоселектор йиғилиши ўтказилиб, унда жиноятларнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасидаги фаолият самарадорлиги, бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўзаро ҳамкорлиги масалалари муҳокама этилди. Йиғилиш қарори билан ўтган йилда республика ҳудудида қайд қилинган 19 турдаги жиноят ҳамда улар юзасидан келиб тушган хабарлар ва ҳуқуқбузарликлар таҳлили бўйича ишчи ғуруҳ таркиби тасдиқланди. Уларга жиноят ҳамда ҳодисаларнинг сабаблари ва омилларини ўрганиб, бартараф этишнинг янги механизмни ишлаб чиқиш вазифаси юклатилиши билан бирга, ихроси назоратга олинди.

Айтиш лозимки, ўтган йили Қорақалпоғистон Республикасида жиноятларнинг 53,3 фоизи ахборот технологиялари ёрдамида содир этилган бўлиб, келгусида бундай жиноятларни фож қилиш ва уларга қарши курашиш борасида тизимли ишлар олиб бориляпти.

Албатта, прокуратура томонидан ҳудуддаги маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга



ошириш юзасидан қатор ижобий натижалар ҳам кўлга киритилаётганини айтиб ўтиш жоиз.

Мисол учун, жиноятларнинг асл сабабларини бартараф этишга қаратилган манзилли чора-тадбирлар дастури доирасида фуқароларга фарибгарликдан ҳимояланиш усулларини тушунтириш, ҳуқуқий маслаҳат ва амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида “маслаҳат маркази”, яъни “Call-markaz” таш-

“Юқорида таъкидлаб ўтилган комплекс чора-тадбирлар натижасида ҳудудда ундан олдинги йилдагига нисбатан турли жиноятлар, хусусан, қотиллик 45,5 фоиз, босқинчилик — 83,3, номусга тегиш — 27, қасддан баданга оғир шикаст етказиш — 14,3, талончилик 22 фоиз камайишига эришилди. Шу билан бирга, ёшлар ва аёллар жиноятчилиги ҳам анча камайганини кўриш мумкин.”

кил этилди, “1431” қисқа рақами ишга туширилди. Жамоатчилик асосида Ички ишлар ва Адлия вазирликлари, Марказий банк, Қадастр палатаси ҳамда прокуратура ходимларидан иборат ишчи ғуруҳи тузилиб, мазкур марказга бириктирилди. Жорий йилда ҳам бу борадаги ишлар давом эттирилмоқда.

Хисобот даврида ушбу марказнинг бевосита амалий ёрдами билан 1 500 нафардан ортиқ фуқаролар жиноятдан азият чекишининг олди олинган бўлса, фарибгарларнинг алдов усулларидан ҳимояланиш йўллариини ўз ичига олган ҳолда ишлаб чиқилган йўриқнома 2 миллиондан зиёд банк миқозларига тарқатилди.

Шунингдек, муқаддам судланган, якка-ёлғиз ашовчи жиноятга мойил, спиртли ичимликка ружу қўйган 5 400 дан ортиқ фуқароларнинг алоҳида рўйхати шакллантирилиб, уларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилиш мақсадида “Йўл харитаси” тасдиқланди. Шу асосда олиб борилган индивидуал профилактик чора-тадбирлар давомида 288 нафар шахснинг бандлиги таъминланиб, яна 158 нафарига даволатниши учун амалий ёрдамлар берилди. 70 нафарининг эса ижтимоий муаммолари ҳал этилди.

Бундан ташқари, гиёҳвандлик ва психотроп моддалар билан боғлиқ 209 та жиноят аниқланган бўлиб, уларнинг 146 таси тезкор тадбирда, 63 таси тергов йўли билан қўшимча ҳолат аниқланган.

Таҳлилларга кўра, наркотик моддаларнинг ноқонуний муомалари

риб келишига чек қўйиш борасидаги амалий тадбирлар доимий назоратга олинган. “Яширин иқтисодиёт” кўламини қисқартириш юзасидан тегишли идоралар билан бирга ҳар бир соҳа кесимида чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, унинг ихросини таъминлаш мақсадида республика прокуратураси ҳузурида махсус штаб ташкил этилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида ўтган йилда бюджетга жалб қилиниши кутилаётган қўшимча даромадларни таъминлаш бўйича 939 млрд. 255 млн. сўм ундирилди. Бундан ташқари, турли савдо йўналишлари ҳамда хизмат кўрсатиш тармоқлари вакиллари билан жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда оғоҳликка чақириш юзасидан профилактика инспекторлари томонидан профилактик суҳбатлар ҳам олиб борилди.

Юқорида таъкидлаб ўтилган комплекс чора-тадбирлар натижасида ҳудудда ундан олдинги йилдагига нисбатан турли жиноятлар, хусусан, қотиллик 45,5 фоиз, босқинчилик — 83,3, номусга тегиш — 27, қасддан баданга оғир шикаст етказиш — 14,3, талончилик 22 фоиз камайишига эришилди. Шу билан бирга, ёшлар ва аёллар жиноятчилиги ҳам анча камайганини кўриш мумкин.

Аҳамиятлиси, олиб борилган изчил саёй-ҳаракатлар натижасида криминоген вазияти оғир, “қизил” тоифадаги маҳаллалар сони 65 тадан 22 тага тушди. Давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорлари асосида жорий йилда мазкур маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш бўйича янгича тизим асосида зарур чоралар қўриляпти.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.

Тинчлик кенгашининг биринчи мажлиси:

ЎЗБЕКИСТОН КОНСТРУКТИВ ТАШАББУСЛАРНИ ИЛГАРИ СУРИШНИ МАҚСАД ҚИЛГАН

Хусусан, ўтган йил сентябрь ойида Ўзбекистон Президентини БМТ Бош Ассамблеясининг навбатдаги сессиясида қатнашиш учун Нью-Йорк шаҳрига ташриф буюрди. Унда давлат раҳбарлари ва халқаро ташкилотлар етакчилари билан учрашувлар ўтказилди, глобал ҳамда минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Мулоқот 2025 йил ноябрь ойи бошида Ўзбекистон Президентининг Қўшма Штатларга амалий ташрифи чоғида янада ривожланди. АҚШ Президенти билан музокара-лар, Америка истеблишменти, Конгресси ва ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашувлар бўлиб ўтди. Ташриф доирасида стратегик шериклик, иқтисодий ҳамкор-лик, инвестициявий шериклик ва минтақавий хавфсизлик масалаларига, жумладан, томонлар Марказий Осиёдаги саёй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришнинг самарали механизми сифатида кўраётган “С5+1” форматига алоҳида эътибор қаратилди.

Расмий Тошкент ва Вашингтон ўртасидаги алоқалар турли форматлар, жумладан, телефон орқали мулоқотлар ҳамда тегишли идоралар ўртасидаги ҳамкорликда қўллаб-қувватланди. Иқтисодий мулоқотнинг кенгайиши ва биз-нес ҳамкорлиги учун янги платформаларнинг яратилиши ишонч мустаҳкамланаётганининг қўшимча далили бўлди. Бу амалий ҳамкорликни чуқурлаштиришдан икки томон ҳам манфаатдорлигини акс эттирди. Қўшма Штатларда Ўзбекистонга вазмин ва прагматик ташқи сиёсат олиб бораётган ишончли, маъсулйатли ҳамкор сифатида қараш тобора барқарор тус олмоқда.

Шу нуктаи назардан, Ўзбекистоннинг Тинчлик кенгаши-даги иштироки мамлакатнинг халқаро нуфузи ортиб бораётгани ва унинг глобал жараёнлардаги конструктив роли эътироф этилаётганини ифодаси сифатида баҳоланмоқда. Расмий Вашингтон учун бу — расмий Тошкент Евроосиё ва ундан ташқарида тинчлик, хавфсизлик ва барқарор тараққиётни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббусларни илгари суришда муҳим ҳамкор эканининг тасдиғи бўлиб хизмат қилади.

Сиёсий мулоқот фаоллашгани фонида Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлиги муҳим йўналишларда кенгайиб бормоқ-да. Гап минтақавий хавфсизлик соҳасидаги шериклик, Ўзбекистондаги иқтисодий изоҳлотларнинг қўллаб-қувват-лаш, савдо ва инвестицияларни ривожлантириш, гумани-тар ҳамда таълим алоқаларини чуқурлаштириш ҳақида бормоқда. Энергетика, рақамлаштириш, инфратузилма ва кадрлар тайёрлаш борасидаги қўшма лойиҳалар узок муд-датли шериклик учун мустаҳкам замин яратмоқда.

Шундай қилиб Ўзбекистон Президентининг Тинчлик кен-гашининг бўлажак биринчи йиғилишида иштирок этиши нафақат мамлакатнинг халқаро мулоқот янги архитектура-сини шакллантиришдаги фаол ролини таъкидлайди, балки Ўзбекистон — АҚШ муносабатларининг ижобий дина-микасини тўлдиради. АҚШга ушбу ташриф, шубҳасиз, Тош-кент ва Вашингтон ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни ҳар икки томон манфаатларига, минтақада, умуман, дунёда тинч-лик-барқарорликни мустаҳкамлаш вазифаларига жавоб берадиган стратегик даражага олиб чиқишга хизмат қилади.

«Дунё» АА.

ЗАРКЕНТ УЗУМЛАРИ ЕВРОПАДА ҲАМ МАШҲУР

— Ўн бир йилдирки фермерман, бобом яратган боғни обод қилиб, кам бўлганим йўқ. Нокаментарлик бўлмасин, Жаҳонгир Суннатов дейишса нафақат Заркент, балки Паркент туманида ҳам кўпчилик танийди. Бу меҳнатим ортидан, албатта. 24 гектар токзор, 10 гектар гилос, 20 гектардан ортиқ эйловга яраша чорва — бу катта бойлик. Ўтган йили 76 тонна узум сотдик. Янги йил байрами арафасида 100 тонналик мева сақлайдиган омборда 23 тонна сара узум бор эди, бир кундаёқ сотилди. “Ака, бу узумларни четга олиб кетаман, йўлда аяниб қолмайдими?” сўради харидор. “Асло, илгари ҳам Россияга олиб кетишган. Насиб этса, сиз ҳам, биз ҳам барака топамиз”, дедим ишонч билан. Қайси куни гаплашсам, кайфияти кўтаринки: миқозлари маҳсулотдан мамнун бўлибди.

Мулкдор ва давр

Узумнинг пулини дарров мева сақ-лайдиган омборни кенгайтириб, сиги-мини 350 тонналик қилишга, 54 гектар ерни бойитишга йўналтирдик. Сопи-ни ўзидан чиқариб ҳўжалигимиз тар-моғини кенгайтирсак, даромад янада ошади-да! Албатта, ўзим бош бўлган “Заркент Суннат Кўчқоров” фермер ҳўжалигининг 19 нафар ишчи-ҳодими-ни янги йил байрами муносабати бил-лан муқофотлаш ҳам эсдан чиққани йўқ.

“Узум навлари қанақа? Майизбон-лари ҳам борми?” сўраймиз Жаҳонгир Суннатовдан.

— Бобом “ишингда ҳаммаша сифатга таян, узумнинг энг сара навларини пар-вариш қил, ана шунда бобгон сифати-да ҳурматинг ошади, махсулотингни ҳам қимматга сотасан”, деганди. Шу сабабли, амакиларим Аброр ва Анвар Кўчқоровлар маслаҳати билан узумнинг “Тоифа”, “Ризамат ота”, “Кишмиш” навларидан эканамиз. Ҳар тонг дала-мизни бир айланиб келиш одатга ай-ланган. Қўқламда эса ҳаловатдан ке-чамиз, боғда иш қайнайди. Доимий иш-чиларимиз ёнига яна 20 га яқин мав-сумий ишловчилар қўшилиди...

Кўлимизнинг узунлиги, экспорт ҳажми йил сайин ортаётгани эса узум-ни совиткичли омборхонада сақлаш-нинг хосияти. Чунки узум етилган пайт килоси 10 минг сўм турса, икки-уч ой сақласангиз, бу рақам каррасига оша-ди. Кейинги йилларда ҳатто махсулот учун олинган пул тўлаб қўядиганлар кўпаймоқда. Насиб этса, шу йилнинг ўзида омборни кенгайтирсак, майиз тайёрлайдиган цех қурсак, шунинг ўзи турган-битгани даромад. Шу тарика кишлоғимиздаги яна ўн нафар бола ишли бўлади.

Яна бир қувончли жиҳат. Ҳадемай,

Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлсак, бозоримиз янада кенгайди. Айниқса, Европа давлатлари бизда етиштирил-ган неъматларга жуда интиқ. Қолавер-са, Президентимиз биз каби фермер-ларни молиявий қўллаб-қувватлаш бил-лан чекланиб қолмай, махсулотимизни чет элга чиқариш имкониятини карра-сига кенгайтирмоқда. Мана, яқинда эл-чиларга ҳам шу топшириқ берилди. Эҳ-ҳе, бу келгусида нечоғли катта фойда олиб келади, тасаввурга сиғдириш мушкул.

Эътибор берсангиз, шу пайтгача “экспорт” дейилса, Россия ёки Қозо-ғистонни ўйлайдиган тадбиркорлари-миз бугун Европани, океанортини кўзлаепти. Шунинг ўзиёқ узумни дол-ларга, еврога сотаман дейишимиздаг асос беради. Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаотномасида айтилган улугвор вазифалар эса юртимиздаги аксарият кишилар қатори мени ҳам янги режа-лар сари руҳлантирди. “Қишлоқ ҳўжа-лиги махсулотлари ҳажмини ҳозирги 40 миллиарддан 60 миллиард доллар-га етказиш бўйича катта марра ола-миз”, деди Президентимиз. Бу янги технолоияларга таяниш, “ақлли” инновацион лойиҳалар, хорижий сармоялар, дегандир.

— Тўғри айтасиз, бугун боғдорчи-ликка ҳам, сайёҳликка ҳам эътибор ку-чайган. Илгари турли баҳона билан бе-ғона ўт босиб ётадиган жойлар ҳам тоқзорга айланыпти. Фойдаси зўр-да, — дея суҳбатга қўшилиди “Заркент” МФЙ раиси Шавкат Кўчқоров. — Асли-да, Паркентимизнинг неъматларига Амир Темур бобомизнинг ҳам меҳри тушган. Ўтган асрнинг охириларда эса уста бобгон, танги раҳбар Тожбой ота Ризаев номи Заркент меваларю узум-



ларини Москвада байроқдор қилди. Сўнг фермерлик ҳаракати бошланган Жаҳонгирнинг бобоси Суннат ака боғ-дорчилик йўналишидаги ютуқларни қайта тиклашга бел боғлади. Назар-дан четда қолган ерлар мевали да-рахтзорга айланди, янги токзорлар пайдо бўлди. Бугун эса Жаҳонгир фер-мер сифатида маҳалламизнинг энг жонқуяр кишисига айланган. Унинг фаолияти ёшларимиз учун том маъно-да ибрат бўляпти.

“Келажақдаги орзулар қандай?” сўраймиз фермердан.

— Эътибор бераяписизми, мева сақ-ланадиган омборимиз ортидан ариқ ўтган, уч-тўрт йил илгари у обихаёт-га тўла бўларди. Энди жилдирган сувнинг ўзи йўқ. Демак, сувни тежай-диган технологияларни тўлиқ қўлла-шимиз керак. Бундан ташқари, сай-ёҳлик йўналишидаги бизнесни йўлга қўймоқчимиз. Бу ерга келган меҳмон тоғ ҳавосидан ҳузурланса, эчки со-ғиб, сутини ичса, дарахтдаги меваю тоқдаги узумни ўз қўли билан узиб еса... Мана шундай имкониятни яратсак, деган ниятим бор.

Ўтган йили укам Алишер билан бир-га ҳовлимизнинг бир четида каттагина бино қуриб, унинг ичини 35 турдан ортиқ спорт анжомлари билан тўлди-рдик. Айни чоғда бу маскан болалар бил-лан гажвум. Ажабмас, заркентликлар орасидан келгусида жаҳон чемпионла-ри етишиб қикса!..

Мақсадим эса боболаримиз руҳини шод этиб, улар бошлаган ишни янада юксалтириш, қишлоғимизни, том маънода, ўз номига мос Заркентга ай-лантиришдир.

Абдунаби АЛИҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАФСИЛОТЛАР

Мамлакат энерготизими учун муҳим лойиҳа

Нишон туманида жойлашган Толимаржон иссиқлик электр станциясида умумий қуввати 1065 мегаватт, лойиҳа қиймати эса 944,87 млн. АҚШ долларига бўлган янги буғ-газ қурилмалари ишга туширилди.



Мамлакатимиз энерготизимида муҳим аҳамиятга эга ушбу лойиҳа бир қатор хорижий ва маҳаллий молия ташкилотларининг қўмағи ҳамда Испания, Япония, Тур-кия давлатларининг йирик компаниялари пудратчилиги-да амалга оширилди.

— Бу буғ-газ қурилмалари орқали корхонада йилга 8 млрд. кВт-соат электр энергия ишлаб чиқарилади ва юқори тежамкор технологияларни қўллаш ҳисобига йи-лига 300 млн. куб метр табиий газ тежалишига эриши-лади, — дейди “Толимаржон ИЭС” АЖ бош директори Жасур Пирманов. — Қурилмалар Япония, Жанубий Корея, Хитой ва АҚШ каби етакчи мамлакатлардан кел-тирилган энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган бўлиб, тўлиқ автоматлаштирилган ҳолда бошқарилади.

Янги лойиҳа Самарқанд ва Бухоро вилоятлари истеъмолчиларини, Қарши магистраль каналдаги еттига насос станциясини ва яна қўллаб аҳоли пунктларини ишон-чи электр энергияси билан таъминлашга хизмат қилади.

Жаҳонгир БОЙМУРОВО («Халқ сўзи»).

«IT-Park»: ёшлар учун имконият ва имтиёз

Қўштепа туманида рақамли инфратузилмани ривожлантириш, ёшларнинг замонавий касбларга бўлган қизиқишини ошириш ҳамда истиқболли гоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида “IT-Park” фаолият бошлади.



— “IT-Park”да кунига 100 нафар йигит-қиз ахборот технологиялари ва хорижий тиллар бўйича амалий би-лим ва қўнималарини ошириб бориш имконига эга бўла-ди, — дейди Қўштепа тумани ҳокими маслаҳатчиси Саидрахмон Саидрахмедов. — Шунингдек, илк бизнес гоёлари, тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантириш учун марказ қошида коворкинг зона — гоёлар ҳудуди ҳам ташкил этилди.

Бу масканда Қўштепа туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида яқин истиқболга мўлжаллан-ган лойиҳалаш дастурларини ишлаб чиқишда ёшлар-нинг гоёларидан унумли фойдаланиш кўзда тутилган. Ўз навбатида, хорижнинг илгор тажрибаларини ама-лиётга кенг татбиқ этиш учун IT соҳасида жаҳон бозо-рида нуфузли компаниялар билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйиш режалаштирилмоқда.

Пойтахтдан тақлиф этилган тажрибали мутахассис-лар иштирокида дастурлаш, веб-саҳифалар яратиш, ди-зайн графикаси, робототехника сингари йўналишларда мунтазам маҳорат дарслари ўтказиб борилади.

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).

РЕКЛАМА

«Elektron Realtor» МЧЖ

тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан ташкиллаштириладиган кўчмас мулклар ва уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича ўтказиладиган савдога таклиф этади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 апрелдаги ПҚ-142-сонли қарорига асосан “O‘zsanootqurilishbank” АТБ балансида бўлган:

Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, “Баҳор” МФЙ, Тошкент шохқўчаси, 3-уйда жойлашган 11-хонадон сотилади.

Сотиш шарти ва нархи билан “www.e-rieltor.uz” сайти орқали танишиш мумкин.

Савдога қўйилган мулкни бевосита жойига чиқиб қўриш имконияти мавжуд.

Савдода иштирок этиш учун талабгорлар “e-rieltor.uz” платформаси орқали ариза бериши керак.

Call-марказ: +99855-517-22-20. Расмий сайтимиз: www.e-rieltor.uz

«ТОП — 1000» университетлар:

ЖАМИЯТ ВА ИҚТИСОДИЁТНИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ПОЙДЕВОРИ

Хар бир мамлакатнинг нуфузи ва тараққиёти кўп жиҳатдан унинг илм-фан соҳасидаги ютуқлари билан ўлчанади. Илмий салоҳият, инновациялар ва таълимнинг юқори даражаси мамлакатларнинг жаҳон миқёсидаги рақобатдошлигини белгилайди. Шу жиҳатдан, дунёнинг энг яхши университетларидан иборат “ТОП — 1000” таълим муассасаларининг сифатини белгилаш билан бирга, мамлакатларнинг глобал илм-фан майдонидаги ўрнини баҳолашда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Нуктаи назар

Бу рейтинг орқали фан ва таълим соҳасидаги янги тенденциялар кузатилиб, келажақдаги ривожланиш стратегиялари шакллантирилади. Шу тариқа, “ТОП — 1000” университетлар рўйхати замонавий жамият ва иқтисодиётнинг интеллектual пойдеворидир.

Глобал билим майдонидаги соғлом рақобат

Таъкидлаш жоизки, ТОП университетлар рўйхати — бу билимли мутахассислар тайёрлаш, инновацияларни жорий этиш ва иқтисодиётни ривожлантиришда асосий роль ўйнайдиган халқаро кўрсаткичлар ҳисобланади. Улар дунё бўйича илм-фан тараққиётининг йўналишларини белгилаб, глобал билим майдонида университетларнинг нақадар муҳим ўрин тутаётганини очиб беради.

Айтиш кераки, ТОП университетлар рўйхатини аниқлашда қатор халқаро агентликлар иштироки муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, “QS World University Rankings” — Британиянинг “Quacquarelli Symonds” (QS) ташкилоти томонидан тузилади. Ушбу рейтинг университетларнинг халқаро нуфузини иш берувчиларнинг талабаларга қизиқиши, илмий мақолаларнинг ҳаволалари, талабалар ва ўқитувчилар ўртасидаги нисбат ҳамда халқаро талабалар ва профессорлар улуши асосида баҳолайди. “QS” рейтингинда репутация мезони (академик ҳамда иш берувчилар нуфузи) катта ўрин эгаллайди. Бу мезонлар университетнинг жаҳон таълим бозоридаги нуфузини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. “THE World University Rankings” — бу ҳам Британиянинг яна бир



рейтингни аниқловчи ташкилоти бўлиб, у таълим муҳити, илмий тадқиқотлар натижалари, мақолалардан иқтибослар, халқаро кўрсаткичлар ҳамда sanoatdan олинadigan маблағлар (иқтисодий таъсир)ни баҳолайди. Бу рейтинг илмий фаолиятни кенг қамраб олиб, университетларнинг илмий салоҳияти ва таълим муҳитини мукаммал ўрганади. Халқаро талабалар ва ўқитувчилар улуши ҳамда sanoat билан aloqalar “THE” рейтингда aloxida ўринга эга бўлиб, бу кўрсаткичлар университетнинг глобал майдондаги ўрнини белгилайди.

“ARWU World Universities Ranking” ёки Шанхай рейтинги Хитойнинг “ShanghaiRanking Consultancy” агентлиги томонидан тайёрланиб, унга дунёнинг “ТОП — 1000” таълим университетлари кирилади. Бу рейтинг, асосан, илмий салоҳият ва юқори ютуқларни баҳолайди. Масалан, Нобель мукофоти ёки Фильдс медали соҳиб бўлган олимлар ва битирувчилар улуши, нуфузли журналларда chop etilgan мақолалар сони, илмий иқтибослар “ARWU” рейтингинда халқилувчи омил ҳисобланади. Шанхай рейтингни таълим муҳитини ва халқаро талабалар улушини катта аҳамият билан баҳоламайди, балки университетнинг илмий тадқиқот салоҳиятига aloxida эътибор қаратади.

Сифатли таълим ва илмий фаолият ривожини йўлида

Хозирги кунда Ўзбекистонда юқори таълим ва илмий фаолиятни ривожлантиришга қаратилган салмоқли қадамлар қўйилди. Мисол учун, Миллий ривожланиш дастурида таълим соҳасини модернизация қилиш, университетларнинг халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш ва илмий салоҳиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланган. Шунингдек, Олий таълимни ривожлантириш ва халқаро стандартларга мослаштириш бўйича чора-тадбирлар дастурида университетларнинг халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш, илмий тадқиқотларнинг сифатини ошириш ва халқаро ҳамкорлиқни кенгайтиришга қаратилган мақсадлар аниқ белгилаб қўйилган.

2022 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясида илмий тадқиқотлар, инновациялар ва

ларнинг барчаси жамланиб, университетнинг умумий салоҳиятини намойён этади.

Хозирги кунда Ўзбекистон университетлари минтақавий (QS EESA) ва соҳавий рейтингларда муносиб қатнашиб келмоқда. Масалан, Тошкент давлат техника университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети каби олийгоҳлар минтақавий рўйхатларда ўрин эгаллашга эришди. Дунёнинг “ТОП — 1000” таълим умумий рўйхатида юқори ўринлари эгаллаш учун илмий салоҳиятини янада ошириш, халқаро талабалар ва ўқитувчиларни жалб қилиш ҳамда илмий мақолаларнинг сифати ва ҳаволаларни яхшилашга эътибор қaratilmokda.

Статистик маълумотлардан маълумки, дунёнинг “ТОП — 1000” таълим университетлари рўйхатида АҚШ, Буюк Британия, Германия, Австралия университетлари доимий равишда юқори ўринларни эгаллаб келмоқда. Айниқса, АҚШ ушбу рўйхатда етакчи ўринда бўлиб, ҳар йили 150 дан ортиқ

“Марказий Осиё давлатлари учун ҳам ижобий тенденциялар кузатишмоқда. Масалан, сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг йирик университетлари минтақавий рейтингларда ўз ўрнини топмоқда. Хусусан, 2025 йилги “QS World University Rankings” натижаларига кўра, Ўзбекистоннинг икки университети илк бор дунё университетлари орасида “ТОП — 1000” таълим кирди: Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти миллий тадқиқот университети 547-ўринни ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети 781 — 790-ўринларини эгаллади.

юқори технологиялар йўналишидаги ютуқларни ошириш, университетларнинг халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилашга қаратилган қатор мақсад ва вазифалар қўйилган.

Дунёнинг “ТОП — 1000” таълим университетлари рўйхати ҳар йили машҳур ташкилотлар (“QS”, “THE” ва “ARWU”) томонидан эълон қилинади ва улар турли мезонлар асосида ишлаб чиқилади. Ҳар бир университет юқори ўринларини эгаллаш учун турли мезонлар бўйича мувозанатли ўсишга интилади. Илмий мақолалар, халқаро ҳамкорлик, ўқув муҳити, молиявий имкониятлар ва репутация — бу

университетлари билан иштирок этади. Буюк Британияда эса бу кўрсаткич 80 — 90 тага яқин бўлиб, уларнинг аксарияти Кембриж, Оксфорд, Лондон Империял Коллежи каби нуфузли таълим муассасаларидан иборат.

Шунингдек, Германияда ўнлаб университетлар, жумладан, Мюнхен техника университети ва Гейдельберг университети рейтингларда юқори ўринларни эгаллашда давом этмоқда. Австралия университетлари ҳам халқаро майдонда фаол қатнашиб, ҳар йили 30 — 40 та университет билан “ТОП — 1000” таълимда қатнашади.

Рейтинглардан жой олган университетлар

Марказий Осиё давлатлари учун ҳам ижобий тенденциялар кузатишмоқда. Масалан, сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг йирик университетлари минтақавий рейтингларда ўз ўрнини топмоқда. Хусусан, 2025 йилги “QS World University Rankings” натижаларига кўра, Ўзбекистоннинг икки университети илк бор дунё университетлари орасида “ТОП — 1000” таълим кирди: Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти миллий тадқиқот университети 547-ўринни ҳамда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети 781 — 790-ўринларини эгаллади.

Қолаверса, ТИҚХММИ миллий тадқиқот университети академик кўрсаткич бўйича дунёда 290-ўринни эгаллаб, Марказий Осиёдаги энг нуфузли университетлардан бири сифатида қайд этилди. Тошкент давлат техника университети 2025 йилги “QS”нинг “EESA” (Emerging Europe & Central Asia) рўйхатида 251 — 300-ўринлар орасидан жой олди. Бошқа университетлар ҳам халқаро мақолалар сонини кўпайтириш, хорижий талабаларни жалб қилиш ва илмий ҳамкорлиқни кучайтиришга катта эътибор қаратмоқда.

Хуллас, дунёнинг “ТОП — 1000” таълим рўйхати университетлар ўртасидаги рақобатнинг қай даражада қучилигини, таълим ва илм-фан соҳасидаги глобал стандартларни кўрсатиб турибди. АҚШ ҳамда Европадаги нуфузли университетлар илмий мақолаларнинг юқори ҳаволалари, молиялаштириш имкониятлари ҳамда халқаро ҳамкорлик жараёниларида етакчилик қилмоқда. Ўзбекистон университетлари эса аста-секин халқаро рейтинглар йўналишида илгарилаб бормоқда ва бу орқали мамлакатнинг илмий салоҳиятини оширишга ҳисса қўшмоқда.

Аброржон КУЧАРОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети Бизнес бошқаруви кафедраси профессори, иқтисодиёт фанлари доктори.

Шахмат:
НОДИРБЕК — НУФУЗЛИ
МУСОБАҚА СОВРИНДОРИ

Германиянинг Вангелс шаҳрида шахмат бўйича “FIDE Freestyle” жаҳон чемпионати ўз нихоясига етди. Мусобақада қатнашган ҳамюртларимиз — Нодирбек Абдусатторов 3-ўринни эгаллаган бўлса, Жавоҳир Синдоров саккизинчи натижани қайд этди.



Н. Абдусатторов совринли ўрин учун баҳсда мезбон Винсент Кеймерни 2,5:1,5 ҳисобида мағлуб этди ва 40 минг АҚШ доллари микдоридаги мукофотни қўлга киритди.

Муҳим жиҳати, Нодирбек мазкур натижа орқали 2027 йилги “Freestyle Chess” жаҳон чемпионати йўланмасини ҳам нақд қилди.

Футбол:
ОСИЁ КУБОГИДАГИ
РАҚИБЛАР МАЪЛУМ

Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида 2026 йилги “U-17” Осиё кубоги мусобақасига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди.



Амалдаги чемпион сифатида биринчи саватчадан жой эгаллаган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси “D” гуруҳидан ўрин олди. Юртимиз вакиллари ушбу гуруҳда Австралия, Хиндистон ҳамда КХДР терма жамоаларига қарши майдонга тушади.

Маълумот учун, бу ёш тоифасидаги мусобақа 7 — 24 май кунлари Саудия Арабистонида бўлиб ўтади.

Ёишки Олимпиада:
ҲАМЮРТИМИЗ
САРАЛАШДАН
МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТДИ

Шу кунларда Италиянинг Милан ва Кортина шаҳарларида навбатдаги қишки Олимпиада ўйинлари ўтказилмоқда.



Тўрт йилликнинг йирик мусобақасида қатнашаётган шорт-трекчимиз Даниил Ейбог иккинчи дастурдаги иштирокини омадли бошлади. 500 метр масофада кечган саралашда стартта чиққан юртдошимиз асосий босқичга муваффақиятли ўтди.

Энди Даниил 18 февраль куни медаллар учун баҳс олиб боради.

Енги атлетика:
ХАЛҚАРО ТУРНИРДА
4 МЕДАЛЬ

Қозғонистоннинг Усть-Каменогорск шаҳрида енгил атлетика бўйича Олимпиада чемпиони Ольга Рипакова соврини учун халқаро мусобақа бўлиб ўтди.

Марказий Осиё мамлакатлари ва Россия спортчилари иштирокида кечган мурасасиз баҳсларда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 3 та олтин ва 1 та кумуш медалга эга чиқди. Барно Сайфуллаева (баландликка сакраш), Жонбиди Хукмова (400 метрга югуриш), Султон Гафуржонов (60 метрга югуриш) олтин медални қўлга киритган бўлса, Эргаш Нормуродов (60 метрга тўсиқлар оша югуриш) кумуш медал билан тақдирланди.

Суннатилла ИСЛОМОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

Шифо масканида замонавий ускуналар

Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро филиали 58 турдаги юқори технологияли тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланмоқда.

Қулайлик

Бу ускуналарнинг умумий қиймати 5,4 млн. АҚШ доллари ташкил этапти.

— Инвестиция дастури доирасида 14,7 млрд. сўм микдоридаги маблағ эвазига радиология бўлими ва махсус радиологик бункер-

ни ўз ичига олган икки қаватли замонавий бино барпо этилганини aloxida таъкидлаш жоиз, — дейди мазкур филиал раҳбари, тажрибали шифокор Гафур Саидов. — Шунингдек, вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан маҳаллий бюджетдан 3,4 млрд. сўм ажратилиб,

рентген-радиология бўлими реконструкция қилинди.

Тиббий ускуналар ҳақида тўхталадиган бўлсак, улар воситасида йил давомида икки минг нафарга яқин беморларни нур терапияси билан даволаш, қўллаб-хасталарга замонавий усулларда жарроҳлик амалиёти-ни бажариш, кунига ўртача 30 кишини МРТ текширувидан ўтказиш мумкин бўлади.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

«Телефонсиз мактаб»: тажриба ва амалиёт

Сирдарё вилоятининг барча туман-шаҳарларидаги 1-умумтаълим мактабларида “Телефонсиз мактаб” лойиҳаси амалга ошириляётир. Ушбу лойиҳа босқичма-босқич вилоятдаги барча умумтаълим мактабларида йўлга қўйилади.

Интилиш

— “Телефонсиз мактаб” лойиҳаси ота-оналар билан маслаҳатлашилган ҳолда жорий қилинмоқда, — дейди Сирдарё вилояти мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси бош-

лиги ўринбосари Даврон Исаков. — Яъни ўқувчиларнинг дарс вақтида телефон ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланишини тақиқлаш масаласи мактаблардаги ота-оналар қўмиталари йиғилишлари-

да кўриб чиқилаётир. Болаларни телефонга қарамликдан асраш, китоб ўқиш, жонли мулоқот ва спортга қизиқтириш бўйича ота-оналар билан доимий ҳамкорлик ўрнатилди.

Лойиҳа жорий қилинган мактабларда ўқувчиларнинг дарсларни ўзлаштириши, фанлар ва тўғарак машғулотларидаги фаоллиги ортмоқда.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ
(«Халқ сўзи»).

РЕКЛАМА

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ

КЎЙИДАГИ ЛАВОЗИМЛАРГА КАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Терапия факультети

- Эндокринология кафедраси мудири;
- Кардиология ва геронтология, интервенцион кардиология ва аритмология курси билан кафедраси доценти;
- Ички касалликлар кафедраси доценти, ассистенти;
- Гастроэнтерология ва физиотерапия кафедраси ассистенти;
- Функционал диагностика кафедраси доценти;
- Пульмонология, клиник алергология курси билан кафедраси мудири, ассистенти.

Педиатрия факультети

- Болалик даври асаб касалликлари кафедраси доценти;
- Неонатология кафедраси ассистент;
- Акушерлик, гинекология ва перинатал медицина кафедраси профессори, доценти, ассистенти.

Хирургия факультети

- Офтальмология кафедраси доценти;
- Хирургик стоматология кафедраси ассистенти;

- Онкология кафедраси мудири, доценти, ассистенти;
- 1-Ультратовуш диагностикаси кафедраси катта ўқитувчиси;
- 2-Ультратовуш диагностикаси кафедраси доценти;
- Урология ва андрология кафедраси доценти;
- Хирургия ва болалар хирургияси кафедраси стажёр-ўқитувчиси;
- Оториноларингология кафедраси мудири, ассистенти;
- Анестезиология ва реаниматология кафедраси мудири, доценти;
- Травматология ва ортопедия кафедраси доценти;
- Стоматология, болалар стоматологияси ва ортодонтияси кафедраси доценти;
- 1-Стоматология кафедраси ассистенти;
- Нефрология, гемодиализ ва буйрак трансплантацияси кафедраси доценти.

Тиббий профилактика факультети

- Клиник лаборатор диагностика кафедраси доценти, катта ўқитувчиси;

- Гигиена ва радиацион хавфсизлик кафедраси мудири;
- ОИТС инфекция муаммолари курси ассистенти.

Менежмент, ижтимоий ва бирламчи соғлиқни сақлаш факультети

- Превентив тиббиёт ва валеология асослари кафедраси доценти;
- Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш кафедраси доценти, катта ўқитувчиси;
- Оилавий тиббиёт, касб касалликлари патологияси курси билан кафедраси ассистенти;
- Нейрохирургия кафедраси мудири, профессори;
- Ижтимоий тиббиёт кафедраси ассистенти;
- Харбий тиббий экспертиза асослари ва ўсмирлар тиббиёти кафедраси стажёр-ўқитувчиси.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй.
Тел.: 71-267-60-74.

Стартап лойиҳага айлантириш салоҳияти юқори бўлган гоёларни аниқлаш бўйича ҳар йили «Энг инновацион гоё» республика танлови ўтказилади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 242. 25 499 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғон бичими А—2. Баҳоcи келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-259-74-51; котибона 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Тахриратта келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаовбар.
Газета тахриратта компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли chop этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.25 Топширилди — 01.15 1 2 3 4 5 6